

Савдо майдонлари, иктисодий манбалар, хом ашё марказлари учун бошланган жахон урушининг иккинчи йили тугаб, учинчи йилига кадам кўйилган вақти эди.

Урушга боғланган Русияда яшаган халқлар урушдан чарчаган, ҳар бир жихатдан қисилган эдилар.

Туркистонлилар у вақтда ҳарбий хизматга олинмасалар ҳам уруш «фойдасига» деб Туркистон халқларининг раҳмсиз таланишлари, солиқлар устига солиқлар солиниши ҳамманинг кўз олдида эди. Русиянинг подшоҳ ҳукумати бўлса, туркистонлилардан аскар олишқа кўрқар эди. Туркистонлилар подшоҳлик ҳокимиятини мудофаа этишга «лаёқатли» ҳам эмас эдилар.

Русияда кўзгалишқа яқинлашкан галаённи бостириш, фронтларда озая борган кучни тўлдириш учун бошқаларни ҳам фронтга олиб бориш керак эди.

Туркистон халқидан аскарликка олиш ўрнига мардикорликка олиш қонуни эълон қилинди. Туркистон халқининг подшоҳлик ҳокимиятига «садокатсизлиги» биринчи кунданок кўринди. Ҳамма ерда норизолик, ҳамма ерда тўполон, ҳамма жойда кўзгалишлар бошланди.

Кўкон ҳокими Мидинский: «сартларнинг этини қалит қилиб итимга едираман» дейиши, жаллод Ивануф губернатўр томонидан Жиззах ҳапкиннинг отилиши, ўлдирилиши, хонавайрон қилиниши; Тошкент Эски шаҳар палисмитри Колесникуфнинг Олмазор маҳкамасидан туриб халқни, бола-чақани, ёш-қари, хотин-қизларни оттириши ҳаммаси ҳам биринчи даврда кўзғолонни тўхтата олмаган эди.

Шу воқеалар юзага келган вақтда бу сартларни ёзувчи Кўкон шаҳрида эди.

Кўкон тўполончиларининг зўр ери ҳам Оровон (Авгон боғи томонида) дехқонлари эди. Бир неча юзлаб ёш йигитлар, қари-мўйсафидлар Кўкон кўчаларидан ҳайдалиб турмага келтирила бошландилар.

Ёш дехқонлар у вақтда ҳам салла ўрамас эдилар, мўйсафидларнинг саллалари бир-бирларининг бўйинларига боғланган эди. Баъзиларининг кўллари орқага боғланган, баъзиларининг юзлари ёрилган, қонлар томчилаган эди. Юзларда, чехраларда мотам, қон аралаш йиглар эди...

Йиглаб келган бола-чақалар, хотин-халажлар билан Кўкон турмасининг атрофи ўралган, тўлган эди.

Кўпчилик, подшоҳнинг «садокатсиз» фуқаролари гизабдан тушмас, кўзғолондан тўхтамас эдилар.

Лекин у вақтнинг қатталари, мўйсафидлари, оксоқоллари, донишмандлари саналгон бойи бўлсин, уламози бўлсин, эшони кўпчилик билан бирлашиш ўрнига мачитларда дуойи-фотихалар, инсофсизларга инсоф сўраш, йўлдан қайтқонларни йўлга солиш, садокатга келтириш билан овора бўлдилар.

Содда халқ инқилобий йўл билан боришни билмаган. Интизомсиз кўпчиликнинг шу насиҳатларга қулоқ солиши табиий эди. Бир томондан раҳмсиз сувратда кўзғолон ва норизоликларни бостириш, иккинчидан, ўз орасидан чиққан ватанфуриш уламо ва бойларнинг садокатка чақиришлари «подшоҳи аъзамга» содик фуқаро бўлишга ундашлари, табиий таъсир қилди.

Кўтарилган алангалар секин-аста сўна, юракдан қайнаб чиққан газаблар ўча бошлади. Туркистон халқ устига «ватан» хизмати йўкланади. Баъзи бир шаҳарларда «мардикорликка боришқа тайёرمиз» деган ул вақтнинг жаҳидлари томонидан

хитобномалар ҳам таркатилади. (Мардикорликка боришга розий бўлганлар Наманганнинг бир канча ёшлари эди.)

Мардикорчилик масаласи кўзголгандан кейин бўлган тўполон, кўзгалишлар Туркистонда яша-ган бутун маҳаллий хўжаликнинг устига катта гуноҳ бўлиб тушди. Булар поездда юришдан, бир шаҳардан иккинчи шаҳарга боришдан маҳрум этилдилар. Истансаларнинг бир бурчагидан иккинчи томонига ҳайдалишлар, вагунлардан қувлаб чиқариб ташлашлар, истансаларда маҳаллий халқни масҳара қилишлар бир неча вақтлар давом этди.

Биз бир неча ўртокларимиз билан Тошкентга келишга ва оиламиз турган ердан мардикорчиликка кетишга мажбур бўлган эдик. Устимиздаги ўзбек тўнимиз, бошимиздаги «мусулмон» тўппи билан поездга ўлтира олмаслигимиз, Тошкентга етмасдан йўлда поезддан ҳайдалишимиз турган гап эди. Биз кўз «бўяшқа» киришдик. Тужурка ва шапка жуда қулай тушди. Жонимизни қўлга олиб вагунга ҳам тушдик. Вақт кеч бўлганлигидан вагунга ўлтириб олиш қулай эди. Тўр-тинчи класс вагуннинг юқори полкасига чиқиб ўринлашиб олдик. Азон отар-отмас Ховосдан ўтилди... Сирдарё истансасига келдик.

Истансаларда поезднинг келишини мўлтайиб сабрсизлик билан кутиб ёткан саллалик, тўнлик ва тўппилик кишилар истансада бўлгани каби бу истансада ҳам сонсиз-саноксиз эди. Лекин уларнинг поездга яқинлашиш, вагунга ўлтириш учун, «хаклари» йўқ эди.

Поездга яқинлашканлари поезд олдидан урилиб, сўкилиб ҳайдалар эдилар.

Узун бўйлик, азамат гавдалик, серсокол бир мўйсафид елкасига хуржинини солиб олган холда жон оччигида вагунга кириш ҳаракатида бўлади Ҳайда-ҳайда, пўшолвонларга қарамасдан қўлини вагуннинг қўл ушладирган жойидан қўйиб юбормайди. Бунинг учун бундай учарлигига ҳайрон қолган баъзи бир руслар раҳмдиллик қилгулари келади ва ортиқ газабланишдан тўхтай бошларлар.

Қўнгирок урилди. Поезд жўнаши керак эди. Вагун ичидан эшикка чиққан қозоқ (казак) ўрис мўйсафиднинг қўкрагига тепиб юборди. Тепиш шу қадар каттик зарбали эдиким, мўйсафид поезд юриб кетмакда бўлган йўлнинг ёнига қалқаси билан йиқилиб тушди.

Унинг қўзидан оққан ёши, маъюсона чехраси, халиги ифлоснинг гурурланиши қўкракда алам, қўнгилда газаб кўзгатар эди. Икки қўл маҳкам муштланади. Лекин, на чора, замона ҳеч нарсани қўтармас эди...

МАРДИКОРЧИЛИККА КЕТИШ

Сармоя ўсулига қурилган Россия ҳокимияти мардикор, олишда ҳам «тенглик» деган нарсани билгуси қелмади. Мардикор олиш қонуни бўйинча ҳар бир ўзига қудратли киши (бой, савдогарлар) бошқаларни ёллашқа ҳақли эди. Ишнинг оғири, «ватанга хизматнинг» зўри яна қамбағаллар устига тушди. Бойлар ва бой болалари «ватан хизматидан» озод қилиндилар.

Мамлакат катталари ўз маслаҳатларида (бу Тошкент ўлчовида. Бошқа жойда ҳам шу йўл билан мардикор олинган эди) бир оилада уч эркак киши бўладирган бўлса, шулардан бири биринчи навбатда борсин ва бормайдиргон бўлса, ўрнига иккинчи кишини ёллаб

юборсин, деган карорга келадилар, бойлар ва уларнинг думлари, уламоларнинг бу йўлда килган карорларц коғоздагина қолади.

Одам ёллаб юборилмайдиргон камбагал оилалар,, бойларга ёлланиб уларнинг болалари ўрнига мардикорчиликка боришга мажбур бўладирлар. Махаллама-махалла одам ёллаш, нега сен бормайсен-у, мен борамен, деган жанжаллар, одам сотиб олиш бахоси кўтарила бошлайди. Хатто одам ёллаш ишида фойда килган, яхшилаб пул ишлаб олганлар ҳам бўлди.

Биринчи партида кетувчилар ичида шундай йўл билан мардикорликка олинганлар камбагал оилалардан бўлгани каби, ёлланган кишилар ҳам оз эмас эди. Йигй-сиги, жанжал-сурон остида Туркистондан дастлаб жўнаш учун Тошкентнинг тўрт даҳасидан 1000 мардикор тўпланди.

Уларнинг оилаларидан ажралишлари (сабабики, уларнинг кўпи мусофирчилик, оиладан узок туришка ўрганмаган эди) Тошкентни «осмонга» кўтаради. Хотин-халажларнинг йиги-сигиси, мўйсафидларнинг дуолари, ул вақт жадидларнинг оталари саналган Мунаввар Корий ва бошқаларнинг «Худоё подшоҳимизни сакла» деган ашулани кўчаларда айтиб боришлари, Бадриддин Аъламуфнинг (ўлган) Никалайнинг сувратини кўтариб юриши хайрлашувчилар ва томошабинлар билан Тошкент кўчалари тўлкинланар эди.

Шу янги йигилган биринчи партия 1000 кишига бошликлар тайинлаш учун Олмазорда палисмистр маҳкамасининг боғида бир йигин бўлади. Шу йигинда Убайдулла Хўжаеф, Мунаввар Корий ва бошқалар мардикорларга насихат килдилар, «подшоҳи аъзамга» садокатли бўлиш, «ватан» томонидан йўкланган бундай улуг ишни бажо келтиришга ундадилар. Иш бошликларини тайин этишга ўтилди. Шу минг кишига мингбоши этилиб ўрток Мусахонуф (ҳозир аптика управленияда ишлайди) кўрсатилади. У вақтда кўл кўтариш, қарши ва тарафдор бўлиб чиқаришлар бўлмаганлигидан қабул қилинади. Бундан кейин ҳар юз кишига юзбоши белгиланади ва мингбошига мирза этилиб мен белгиландим.

Шу минг кишини вокзал атрофида бўлган қандайдир бир қазармага келтирдилар. Атрофни солдатлар ўраб олди. Кузатиб келган қариндош-уруғлар, ота-оналар ташқарида қолдилар. Минг киши орқасидан хайрлашмак учун келган бир неча минг халқнинг қайтиб кетгуси келмасдан қазарма атрофида ўрнашди.

Ундан-бундан туриб боласини, ўглини қақирган товушлар давом этди. Худди шу минг кишидан она-оталари, қариндош-уруғлари абадий ажралгандай кўринади.

Туркистондан биринчи галда мардикорликка жўнатиш учун белгиланган кишилар билан хайрлашмак учун келган оға-инилар, дўст-биродарлар кечалаб бўлса ҳам қазарма атрофида ётиб қолдилар. Жўнагувчилар бир томондан бўлса, жўнатувчилар иккинчи томондан бўлиб, ойдин кечада суҳбатлашиб ўтган қуларни эслашиб узун кечани қисқартадилар.

Иккинчи қу мардикорга кетиш учун йигилганларни жўнатадирган қу. Тошкентнинг аскар жўнатадирган (военный) истансаси қенг майдон. Шунга қора қарм тужурка ва шундай шим қийган бир минг ўзбек йигитлари «подшоҳи аъзамга» бағишланган ашулалар, дуойи-фотихалар, хайрлашувлар, йиги-сигилар билан узатиб қелинади. Қенг майдон иккига бўлинади. Бир томонда хайрлашувчилар хотин-халаж, бола-чақа, қолу мўйсафидлар. Иккинчи томонда қаерга боришини билмай, қурақлари пўқиллаган, қехралари қотамли минглаб кишилар. Ўртада қилтикли бир қанча солдатлар.

Кетувчилар бутун қилотпурма бўйида иккитадан аскар қаб қатор қилиниб қўядирлар.

Хар кайси юз кишининг олдида бошлиги юзбоши. «Ундай тур, мундай кил», деган бўлиб билар-билмас тартиб киритган бўладилар. Мингбошимиз кайдадир колган. Нима учундир уч рангли байрог билан мен шўппайиб олдинга чикиб колдим.

Гинирол Курапаткин ва бир канча шолоб-шулоблилар мардикорлар билан саломлашиб келдилар-да, мардикорлар сафининг олдида турган 'менга якин келиб гинирол Курапаткин алланималар сўзлайди. Курапаткининг тўхташига сабаб ҳам, мени мардикорлар бошлиги Мусахонуф деб ўйла-гонлигидан экан.

Аввал сизлаб сўзлашиб турган губирнатур «жаноблари» менинг оддий мардикорлардан бўлганлигимни тушиниб санлашга бошлади ҳам:

— Мардикорлар бу ёкка (ота-оналарига бўлса керак) хат ёзганларида ахвол яхши деб ёзсинлар, — деган насихатни килди.

Мардикорлар билан саломлашкандан сўнг расмий кисм тугади. Подшоҳ томонидан юборилган губирнатур жанобларининг кетатурган минглаб кишиларга килган илтифоти факат «издирастиидан иборат бўлди.

Гинирол-губирнатур жанобларини кузатгандан кейин турончиларнинг ўз кишилари саналган Мусахонуф билан хайрлашмак учун у замоннинг бир канча «оталари» вагун олдида йигиладурлар.

Шу вақтда мардикорлар учун белгиланган кизил вагунлар кетувчилар билан тўла бошлайди.

Мунаввар Корийнинг кўлида бир кўлёзма—Куръон. Атрофини ўраб олган ўз кишилари орасида туриб Мусахонуфга караб айтган нуткида Мусахонуфнинг Туркистон йигитларидан 1000 кишига бошлик — мингбоши этиб тайинланганлиги, ватан олдида каттакон хизмат йўкланганлиги, шу хизматини яхшилаб тугатйшини сўзлаб ўтади ҳам кўлидаги Куръонни шунга далил бўлсин, деб такдим килади. Мусахонуф Куръонни кўлига олиб ўпади.

Мунаввар Корий менга нимадир демакчи бўлади. Лекин кимнингдир туртиб кўйиши оркасида огзи очилганича сўзсиз кола беради. Менинг у вақтда турончиларга муносабатим бўлмаганлиги бунга сабаблардан бири бўлса ҳам ажаб эмас.

Биз Тошкандан жўнадик, узатиб колгувчилар, йиги-сигилар сонсиз-саноксиз эди. Йўл бўйидаги одамлар бир неча истансагача узатиш учун чизилган одамлар бир канчалаб эди... Йўл-йўлдаги Туркистондан жўнаб турган бир партия мардикорларни карши олиш, нутк сўзлашлар бўлади.

27 кун йўл юргандан кейин, Маскав, хозирги Октябрь темир йўлидан (Маскав-Ленинград темир йўли) ўтиб, Пискув томонига йўл солдик ва уч кунда Пискувга бориб етдик.

Истансада бизни аскарый бошликлар ва бир канча томошабинлар карши оладирлар.

Аскарый бошликлар ичида гарб фронтининг бошлиги гинирол Руцкий ҳам бор эди. Биз мардикорларнинг холимиз кизик эди. Сабаби, бизлар на аскар ва на маълум харбий бир интизомда эдик. Шунинг учун аскарый бошликлар билан кандай муомала килишни билмас эдик. Шундай бўлса ҳам аскарлар каби сафланиб туриш, чист беришларга мажбур эдик. Мингбошимиздан тортиб, пастки бошликларимизга кадар бундай вақтда ҳеч кандай рўл ўйнамасликлари табиий эди.

Бизнинг бошлигимиз саналган ва бизни олиб бориб фронтга якин жойда аскарый ишга ташлаб кетиш учун Тошкентдин Жўрабек деган гинирол тайинланган эди. (Хозирда ҳам тирик ва Тошкент атрофида туради). Пискув вокзалидан туширгандан кейин, бизни подадек килиб хайдаб Пискувнинг машхур турмасига ўринлашдирдилар. Нима учундир, турманинг энг катта биноси бўш бўлган ва бизларни шу жойда калантарак (карантина)

килиш керак экан.

Бу турма ўзининг бахайбатлиги билан биринчи кирган кишини кўркитар эди... Икки-уч кун туришнинг ўзи ҳам хар бир кишини аллакандай вахима ва хавотирга солар эди. Шу турма ичида уч кеча ўтказиш бизларга ёмон таъсир килди. Сўнган рух, бузилган чехрани яна огирлашдирди. Бизларни бу турмага ўринлашдирганларининг сабабини кейинрок суриштирсак:

— Бу турмани кўриб кўйинг, жинойтчиларни совитадирган ердир, — дегандек имо килинди.

КИЛГАН ИШИМИЗ

Бизларни шунча кунлар судраб юриб, ниҳоят Пискув билан Рига ўртасида бўлган латишлар кишлоклари(га олиб келган) эди. Пискувдан шу ерга кадар темир йўл бўлиб, бундан Ригагача харбий йўл солиш ва бу йўлни жуда ҳам тезликда битириш*керак эди. Сабабки, Ригада Русия аскарининг холи ёмон бир фронт берилиб, иккинчи ерга кўчишлар давом этган ва курол ҳам асбоблар етишмаган давр экан. Шунинг учун хар кайсимизни ишга хайдаб чикариш, сувикларга ўрганмаганларнинг холи, ахволи билан санашмасдан, эртадан кечга кадар ишлатиш, чарчаб-хориб дам олишка ўлтиришни ўйлаган хар бир мардикорни солдот милтиги билан уриб ишга солиш ва хакаротлар узилмасдан давом этди.

Киладирган ишимиз бўлса, музлаган ерни бориб очиш ва шуларни иккинчи томонга кўчириш учун вагунларга юклаш, 15—20 лаб вагунлар лик тўлдирилгандан кейин йўл солинмакда бўлган жойга олиб бориб келтириш эди.

Шул минг кишига килинган харакат олти ой ичида ўша вақтнинг пули билан 200-250 минг сўмга етди. Берилган овкат, турадирган жойлар бу хисобга кирмас эди. Бир шахардан иккинчи кўчиришларни, устимизга кўйилган бошликлар (мингбоши, юзбошилардан ташкари) учун сарф килинган пулларни ва бошкаларни килган ишларимиз билан солишдириб кўрганимизда Русия хазинасига фойдамиздан кўра зараримиз кўпрок эди... Иш даврида Тошкандан тайин этилган мингбоши, юзбоши, мирзабошиларнинг рўли тўккиз пуллик эди. Сабабки, булардан бошка тайин этилган аскарий бошликлар бор эди. Шунинг учун махаллий халқдан бўлган бршликларнинг ахамияти колмади. Юзбоши ва бошкалар ҳам мардикорлар билан биргалашиб ишлашга мажбур эдилар. Шунинг оркасида турончилар томонидан ишонилиб белгиланган Мусахонуф касал бўлиб кетишга ва ишчилар турончиларнинг бошлигисиз колишка мажбур бўлган эдилар.

Огир кунлар, кахратон кишларга ўрганмаган холда солдотларнинг милтиклари зарби остида ишлашга тўгри келди.

... Бутун Русияда яшаганлар учун бўлган эркинчилик хабари бизларга ҳам бориб етди. Атрофда бўлган кўзгалишлар, намойишлар, огиздан огизга ўтган хабарлар бизларни ҳам шодландирди, бизларни кўзгатди.

Мардикорлар ичидан бир нечаларини (аскарий бошликлардан сўрамасдан) Питроградга юбориб, хизматда бўлган марДикорларни бўшатишка харакат килишга ният килинди. У вақт Николаи иккинчи Пискуф истансасида подшоҳликдан воз кечган кун. Питроградда

феврол инкилобининг кизиган вакти эди.

Питроградда козоктиргиз мардикорларидан ҳам вакил келган экан. Биргалашиб, маслахат килиб Муваккат ҳукуматнинг ҳарбий министрига учрашни тиласак ҳам бу масала ҳақида нима учундир ер ишлари министри Шингаруф(га) боришни маслахат бердилар.

Шу министирни кўриш учун бир неча кун овора бўлсак-да, кўра олмадик ва маҳкама бошликлари мақсадимизни сўраб олиб бир неча кундан сўнг жавоб олиш учун келишга кўшдилар. Киргиз, козок мардикорларидан вакил бўлиб келганлар кайтишка мажбур бўлдилар. 4-куни Туркистондан мардикорликка олинганларнинг кайтишига рухсат бўлди. Тартибсиз сувратда ҳар ким ўз бошича кайтиш, элига йўл солишда давом этди.

«Ер юзи» журналининг 1928 йил 1-сонидан
Тешабой ЗИЕЕВ нашрга тайёрлаган